

ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ ТИЗИМИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Ахмадбеков Хокимбек Хасан ўғли
Ички ишлар вазирлиги Академияси

АННОТАЦИЯ:

Мақолада Ўзбекистон почтаси томонидан почта жўнатмаларига ишлов бериш ва етказиб бериш жараёнларининг автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқишга алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек почта жўнатмаларини манзилга етказиб беришда мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган комплексларни жорий этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Муаллиф мазкур масалалар юзасидан турли зиддиятларни бартараф этишда хорижий почта алоқаси корхоналарининг хизматларини таҳлил қилган ҳолда ўзининг фикрларини илмий асослаган.

Калит сўзлар:

жараёнларни автоматлаштириш, автоматлашган ахборот тизими, почта тармоқларини автоматлаштириш.

I. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси почта алоқасида, почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ҳамда даврий нашрларни етказиб беришда бир-бири билан ўзаро узлуксиз боғланган почта алоқаси объектлари ва почта йўналишларини ўз ичига олади. Почта алоқаси корхоналарида ишчи ходимлар фаолият юритиб, улар томонидан ҳар куни минглаб хат-хабарлар, пул ўтказмалари, посилкаларга ишлов берилади ҳамда миллионлаб обуначиларга газета ва журналлар етказилиб берилади. Шунингдек, коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш, телефон тўлови, суғурта полислари, лотерея билетларини сотиш, электрон почта ва интернет хизматлари кўрсатилади. Ўзбекистон почтаси Ўзбекистон Республикаси миллий оператори ҳисобланиб, арзон нархларда дунёнинг барча мамлакатлари билан почта жўнатмалари алмашувини амалга оширади ва Республиканинг Умумжаҳон почта иттифоқи олдидаги мажбуриятларини бажаради.

Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг почта алоқаси хизматларини таҳлил қилсак уларнинг фаолияти тўлиқ автоматлаштирилган. Хусусан фойдаланувчиларнинг почта алоқаси хизматларидан эркин фойдалана олиши, почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган технологик ускуналар мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти тўлиқ автоматлаштирилган. Ўзбекистон почтаси томонидан янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали, иш ўринлари автоматлаштирилади ва улар Ўзбекистон почтаси корпоратив тармоғига уланилади. Бу орқали эса, хизматлар кўрсатиш жараёнлари тезлаштирилади. Бу орқали эса аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш имконини беради. Автоматлаштирилган иш ўринлари нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки қишлоқ почта бўлимларида ҳам фаолият кўрсатиши зарур. Шундагина Ўзбекистон почтаси хизматлари кўрсатиш тезлиги ва сифати ошган бўлар эди.

II. ТАДҚИҚОТНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб автоматлаштирилган хизматлар тизимини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вилоятларда автоматлаштирилган тизимда ишловчи хизматлари йўлга қўйиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ бугунги кунда Ўзбекистон почтаси томонидан автоматлаштирилган ягона хизматлар тизими ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 5 октябрь куни миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб, ушбу йиғилишда почта тизимини хат, жўнатма ва товарлар етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматлари кўрсатишга

ихтисослаштириш орқали соҳа барқарорлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланишини айтиб ўтдилар.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ тизимида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган 2 мингдан зиёд бўлинма, 7 минг нафар ходим бор. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида почта хизматининг ўрни пасайиб кетди. Хусусан, сўнгги ўн беш йилда 1 минг 300 та почта бўлинмаси ёпилган. Ўтган йили хориждан келган 6 минг тонна жўнатмаларнинг атиги 10 фоизи, курьерлик хизматларининг 30 фоизи миллий почта ҳиссасига тўғри келган[1].

Давлатимиз раҳбари почта тизимини ривожлантириш учун уни даромад келтирадиган соҳага айлантириш зарурлигини таъкидлаб ўтдиб, хусусий операторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшимча хизматларни тақдим этиш орқали почта бўлимлари даромадини ошириш мумкинлиги айтиб ўтдилар.

Интернет орқали сотиб олинган товарни эгасига етказиб бериш, почта жўнатмалари ва маҳсулотларни якуний манзилга етказиб беришни йўлга қўйиш яхши самара беради. Якуний манзилга етказиш тизимини туманларда тажрибадан ўтказиб, келгуси йил 1 мартдан вилоят марказларида, 1 июлдан мамлакат бўйича жорий этиш режасини белгилаб берилди.

Бунинг учун жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизимини ишга тушириш зарур.

Сўнгги тўрт йилда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти томонидан матбуот тарқатиш ҳажми 3 баробарга камайиб, унинг жами матбуот тарқатишдаги улуши 13 фоизни ташкил этмоқда[2].

Мутасаддиларга босма нашрларни қўллаб-қувватлаш учун матбуот тарқатиш тизимини ривожлантириш, даврий нашрларга онлайн обуна хизматини йўлга қўйиш йиғилишда таъкидланган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2022 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси хизматларини лицензиялаш тартиби жорий этилиши белгилаб берилди.

2020 йил 1 декабрдан бошлаб республикадаги барча почта объектларида замонавий хизматлар, жумладан “Гибрид почта” ва курьерлик хизматларини ривожлантириш, банк, суғурта ва бошқа хизматларни тақдим этиш йўлга қўйилишини;

2021 йил якунига қадар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини “онлайн” сотиш ва мижозларга етказиб бериш, шунингдек уларга товарларни экспорт қилиш имкониятини берувчи “Миллий онлайн савдо майдончаси” яратилишини;

2022 йил якунига қадар мижозлар номига келган почта жўнатмаларини олиши учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган комплекслар (почтаматлар) жорий этилишини;

2023 йил якунига қадар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга электрон тижорат орқали савдо қилишга шароит яратиш мақсадида босқичма-босқич Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда “Фулфилмент марказлари” ташкил этилишини таъминлайди[3].

Почта хизматлари ривожланишининг негатив тенденциялари билан ҳар бир мамлакат почта хизматлари ҳам тўқнаш келдилар. Бу шароитларда почта хизматлари ривожланишининг янги йўллари аҳолига универсал хизмат кўрсатиш эканлиги маълум бўлди. Кўплаб давлатларда почта хизмати юқори технологиялар ва жараёнларни автоматлаштириш, харажатларни алоҳида ҳисобга олиш асосида тариф сиёсатини такомиллаштириш, инвестицияларнинг мувофиқ даражаси, норматив базани такомиллаштиришга асосий эътиборни қаратдилар. Аммо турли мамлакатларда бу вазифаларни ҳал этиш учун почта хизматларининг ўз ривожланиш даражаси ишлаб чиқилган. Мамлакатимизда почта алоқаси корхонаси олдида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, яъни;

Ўзбекистон почтаси янги бозор шароитларига мослашиш учун почта алоқаси операторлари қуйидаги вазифаларни ҳал этишига тўғри келди:

– почта хизмати сифатини ошириш ва тарифларни кўтариш ҳисобига анъанавий почта алоқаси хизматларининг рақобатбардошлилигини ошириш;

– даромадлиликни ошириш ва анъанавий рентабел бўлмаган почта хизматлари ривожланишини субсидиялаш ҳамда янги автоматлаштирилган мобил хизматларни жорий этиш ҳамда ривожлантириш.

Юқоридаги вазифаларни ҳал этишда кўпгина мамлакатлар замонавий техник воситалар ва технологияларни жорий этиш, саралаш узелларини реконструкция ва модернизациялаш ҳамда почта алоқаси бўлимларини автоматлаштириш орқали почта алоқасидаги мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этди.

III. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУНОЗАРАЛАРИ

Почта хизматларининг сифат даражасини ошириш мақсадида кўп мамлакатлар саралаш марказлари ва узелларини механизациялаш ва техник жиҳозлаш ҳисобига логистика тизимини такомиллаштириш, шунингдек ташиш ҳамда етказиб бериш жараёнларини режалаштириш ва оптималлаштириш учун логистик марказларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган ягона тизимини ишлаб чиқиб, амалда жорий қилиш йўлидан бордилар.

Почта алоқасидаги технологик жараёнлар нафақат моддий оқимлар (ёзма хат-хабарлар, посылкалар)га ишлов бериш билан боғлиқ, балки ахборот оқимларини қайта ишлашни ҳам амалга оширади.

Почта алоқасида қўлланадиган қоғоз кўринишидаги ахборотни қайта ишлаш методи самарали эмас, айниқса ахборотнинг катта оқимига ишлов бериш зарурати туғилса, иккинчи томондан почта хизматлари шахобланган корхоналардан иборат ва самарали марказлаштирилган бошқарувнинг янги методлари ва инструментлари талаб қилинади. Автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш шундай инструментлардан бири ҳисобланади.

Турли мамлакатларнинг почта секторига автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий қилиш вазифалари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида тезкор жавоб қайтариш, корхонанинг фаолияти тўғрисида турли хилдаги ахборотни ўз вақтида олиш ҳисобига корхонанинг самарали ишлашини таъминлаш;
- почта алоқаси хизматлари автоматлаштирилган электрон мобил хизматларини жорий қилиш;
- технологик, молиявий ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш.

Мисол учун “Белпочта” РУП ахборот оқимини қайта ишлашни автоматлаштириш учун ҳар бир почта алоқаси объекти томонидан даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими жорий қилинди. Тўловларни қабул қилиш бўйича бошқа автоматлаштирилган ахборот тизимининг жорий қилиниши почта бўлимларида онлайн режимида барча турдаги тўловлар (коммунал хизматлар, операторлар хизматлари учун, солиқлар ва бошқалар) ни “бир дарча”[4] принципи бўйича амалга ошириш имконини берди. Ушбу тизимнинг янада ривожланиши хизматлар тўлови сервер ва янги технология – Интернет орқали пул ўтказиш воситасида онлайн режимида Интернет тармоғи орқали тўловларни тўлаш орқали харидларни амалга ошириш ва манзилга етказиб бериш имконини берди.

Ўзбекистон почтасида хизмат кўрсатиш жараёнларини оптималлаштириш учун қуйидаги автоматлаштирилган ахборот тизимлари жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

- автоматлаштирилган қайд қилинадиган почта ўтишини назорат қилиш тизими;
- автоматлаштирилган товарларни ҳисобга олиш тизими;
- автоматлаштирилган хизматлар мониторинги тизими;
- автоматлаштирилган мобил хизматлари турини жорий қилиш.

Автоматлаштирилган технологияларини қўллаш ҳисобига почта алоқасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматларин қулай қилиш орқали ягона автоматлаштирилган ахборот тизими таъминотни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

IV. ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кўп мамлакатларда автоматлаштирилган мобил хизмат турлари миллий операторлар учун энг рентабель ва тез ўсадиган хизмат тури сифатида юқори баҳоланади.

Почта жўнатмаларига ишлов бериш ва уни транспортда ташиш билан боғлиқ бўлган технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда почтаси мижозлар истак ва хоҳишларини бугунги кунда почта хизмати аҳолига тақдим этилиши, почта хизмати сифатини ошириш ва тарифларни кўтариш ҳисобига анъанавий почта алоқаси хизматларининг рақобатбардошлилигини оширишга, даромадни ошириш ва анъанавий рентабел бўлмаган почта хизматлари ривожланиши учун янги автоматлаштирилган хизматларни жорий этиши ҳамда ривожлантириши зарур. Ўзбекистонда почта жўнатмаларига ишлов бериш тизимини автоматлаштириш орқали эса кўрсатилаётган хизмат турларини тезлаштириш ҳамда сифатини ошириш имконини беради.

Шунингдек почта хизмати сифатини ошириш ва тарифларни кўтариш ҳисобига анъанавий почта алоқаси хизматларининг рақобатбардошлилигини ошириш лозим. Даромадлиликни ошириш ва анъанавий рентабел бўлмаган почта хизматлари ривожлантириш, янги автоматлаштирилган мобил хизматларни жорий этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш лозим.

V. АДАБИЁТЛАР

1. Почта тизимини даромадли соҳага айлантириш чоралари муҳокама қилинди. URL: <http://uza.uz/oz/politics/pochta-tizimini-daromadli-so-aga-aylantirish-choralari-mu-ok-05-10-2020>
 2. Ўзбекистонда почта хизматлари ислоҳоти кутиляпти. URL: <https://kun.uz/news/2020/07/25/ozbekistonda-pochta-xizmatlari-islohoti-kutilyapti-batafsil>.
 3. Ўзбекистонда почта хизматлари ислоҳоти кутиляпти. URL: <https://kun.uz/news/2020/07/25/ozbekistonda-pochta-xizmatlari-islohoti-kutilyapti-batafsil>.
- 4“Белпочта” РҲП. URL: <https://belpost.by>.